

Бухоро



ИСМОИЛ СОМОНИЙ
МАҚБАРАСИ

МАВЗОЛЕИ
ИСМАИЛА САМАНИ



Бухоронинг ажойиб архитектура намуналарини кўришни ҳозиргача сақланган илк ёдгорликлардан бири — Сомонийлар мақбарасидан бошлаган маъқул. Бу мақбара Регистондан сал ғарб томонда қад кўтариб турибди. Революциянинг дастлабки йилларида бу ерда Бухоронинг қарамай қўйилган қабристони бўлган. Мақбарага чақир тиканак босган тепалик ҳамда ўпирилиб кетган гўрлардан ўтиб борилар эди. Мақбаранинг деярли учдан бир қисми кўмилиб кетган эди. Шу жойда бундан қарийб йигирма йил муқаддам маданият ва истироҳат боғи барпо этилди. Ҳозир соя-салқин берувчи, оромбахш бу кўкаламзорнинг яқин ўтмишдагина, юқорида айтилганидек, кўримсиз жой бўлганига одам ишонгиси келмайди.

Боғнинг ички хиёбонларидан бирида яхшилаб текисланган очиқ майдончада ажойиб мақбара бор. У авайлаб реставрация қилинган бўлиб, яшил дарахтлар манзарасидан қад кўтариб турибди. Бу ерга келганда хушчақчақ ёш-ялангларнинг қаҳ-қаҳаси тинади ва улар катталар билан бирга мақбарага маҳлиё бўлиб, узоқ вақт кўз узолмай хаёлга чўмадилар. Ҳақиқий санъатнинг бу ажойиб намунаси одамларни ўзига ром қилиб қўяди.

Бу ёдгорлик халқ орасида ва илмий адабиётда Сомонийлар сулоласининг энг атоқли намояндаси Исмоил Сомоний мақбараси номи билан маълумдир (Исмоил Сомоний Бухорода 892 йилдан 907 йилгача ҳукмронлик қилган). Мозорнинг бу қисмида Исмоилнинг отаси Аҳмад дафн қилинганлиги, Исмоилнинг қабри ҳам шу ерда эканлиги ҳақида маълумотлар бор. Бундан ташқари, мақбара пештоқининг равоғи тепасидаги тош тахтада Исмоилнинг набираси Носирнинг исми ҳам зикр қилинган. Археологик қазишмаларда мақбарада бир неча қабр бўлганлиги аниқланган. Ана шуларнинг ҳаммаси бу жой Сомонийлар сулоласининг оилавий мақбараси эканлигини ва IX—X асрлар ўртасида Исмоил Сомоний ҳукмронлик қилган даврда қурилганлигини кўрсатиб турибди.

Мақбаранинг умумий кўриниши квадрат планига мос тушган. Мақбара жуда оддий бўлиб, иккита турғун шаклдан қарор топган, яъни ярим шар шаклидаги қубба билан тугалланган куб нусха бинодан иборат. Бинонинг тўрттала томони ҳам архитектура жиҳатидан бир хилда безатилганлиги мақбаранинг центрик композиция услубида яратилганлигини кўрсатади. Бино қисмларининг мувозанатлиги фасадларининг ишланишида ҳам, девор ва унинг устидаги қисмларининг узвий мутаносиблигида ҳам кўринади. Цоколь полосаси бино асосини кўрсатиб туради, бино деворининг юқори қисми эса равоқлар галлереяси билан тугайди, бино бурчакларида чорак қисми деворга тутшиб кетган бақувват устунлар бор, мақбарага тўрттала томонига ҳам бир хил қилиб ишланган равоқсимон пештоқдан кирилади. Пештоқда бирин-кетин учта равоқ бўлиб, улар борган сари кичиклашаве-

ради. Ҳар бир равоқ этагигача тўғри бурчакли ромга туташган.

Мақбаранинг ичкарисиди ҳам архитектура элементлари яққол кўзга ташланади. Деворларнинг юқори бурчакларида токчалар бўлиб, токча ва дарчаларнинг усти саккиз қиррали гардиш қилиб ишланган. Мақбара гумбази ана шу гардишга қўндирилган. Бинонинг ташқи ва ички томонидаги элементлар бир-бирига жуда монанд тушган. Мақбара ичкарисиди замин ташқарисиди цоколь сатҳига тўғри келади, киравериш равоқлари ёнидаги белбоққа ўхшаш чизиқ бино ичкарисиди ҳам такрорланган. Паст-паст қилиб ишланган ташқи галлереяга ички токчалар тўғри келади. Ички томондан панжара қўйилган, кичик равоқли дарчалардан ичкарига етарли даражада ёруғлик тушиб туради.

Бино пишиқ ғиштдан ишланган. Пишиқ ғишт ишлатишни унинг конструктив-техник хусусияти тақозо қилиш билан бирга безагига ҳам асос бўлган.

Мақбаранинг деворлари ва юқори қисмларига майда юпқа ғишт, цокоliga эса йирик ғишт, айрим безакларда шакл қилиб йўнилган ғишлар ишлатилган. Бу эса бинонинг чиройини очган, конструктив талабларига мос бўлган ва хушманзара қилган.

Нақшлар кишини ҳайратда қолдирадиган даражада хилма-хил бўлиши билан бирга бинонинг қурилиш асосига мосланган. Ғишларни ҳар хил териб ва йўниб, тўғарак шакллар, тўп барглари, дарчаларда эса панжаралар ҳосил қилинган. Деворлардаги қаваринқи шакллар девор саҳнининг ботиқ ерларида турлича товланади. Ғишлардан бундай усулда моҳирлик билан фойдаланиш ўша замонлардаги жаҳон архитектура

ёдгорликларидан бирортасида ҳам акс этмаган.

Сомонийлар мақбарасининг ҳамма элементлари табиий ва бир-бирига монанддир. Текширишлар шуни кўрсатадики, бинонинг композициясига илмий-эмпирик ҳисоблар ва мутаносиблик системаси асос қилиб олинган экан. Бино плани ва фасадларининг умумий контурларидан тортиб ҳар қандай архитектура деталигача бўлган тузилишдаги геометрик схема «динамик квадрат» дан иборат, яъни борган сари кичрая борадиган квадратлар бир-бирига диагонал ҳолда жойлаштирилган.

Бино ичидаги гумбаз асоси бўлган саккиз қиррали гардишнинг тагидаги учли равоқчалар эллипс иккита ўқининг бир-бири билан кесишувига асосланиб ишланган. Бунда катта ўқлар пастгача тушади, кичиклари эса қирраларга тўғри келади.

Шундай қилиб, IX—X асрлардаги Шарқ математикасининг ютуқлари Бухоро меъморлари ижодида ўз аксини топган. Маълумки, бу даврда Ўрта Осиёдан ал-Фарғоний ва Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий каби ажойиб олимлар етишиб чиққан эди.

Хўш, бу архитектура мўъжизаси — Сомонийлар мақбараси қандай яратилган? Унинг ўтмишдаги нусхаси қаерда? Нима учун X асрда унга тенг келадиган ва ўхшайдиган бирорта ёдгорлик на Ўрта Осиёнинг ўзида ва на бошқа мусулмон мамлакатларида йўқ?

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёдгорлик ислом динигача бўлган маҳаллий сўғдий меъморлар тажрибасига асосланган. Қадим вақтларда меъморлар қурилишда ёғоч ва хом гиштдан фойдаланганлар. Маълумки улар анча чидамсиз қурилиш материаллари

эди. Мақбара гумбазининг саккиз қиррали гардиш билан тоқчалар устида туриши, борган сари торайиб борадиган равоқли киравериш жойлари пастаккина дарчалар, бинога туташиб кетган бурчак устунлари, ичкаридаги устунчалар, ғиштларни турлича териш йўли билан қилинган фриз ва архивольтларнинг шакли, сопол безаклар — буларнинг ҳаммаси қадимий сўғдийлар меъморчилиги санъатида ҳам учрайди. Бинобарин Бухоронинг Сомонийлар давридаги ҳашаматли меъморчилиги сўғдийлар меъморчилигининг анъаналари билан узвий боғлангандир.

Бироқ мақбара қурилишида қадимий анъаналардан четга чиққан жўшқин ижодий новаторлик аломатлари кўзга яққол ташланиб туради. Буни аввал қурилиш техникасидаги янгиликдан: пишиқ ғишт ишлатилганлигидан кўриш мумкин. Авваллари пишиқ ғишт баъзи биноларнинг муҳим жойларига ёки безаклари учун ишлатилар эди, холос. Биринчи марта бутунлай пишиқ ғиштдан қурилган бино — шу мақбара бўлди. Пишиқ ғиштни турли усулда моҳирлик билан териш мумкинлиги натижасида бино безакли ва кўркем чиққан. Бебаҳо санъат инжусининг хусусияти шу билан чекланмайди. Бу бинони Шарқдаги мусулмон мамлакатларидаги дастлабки мақбара дейиш мумкин, чунки бу давргача уламолар ва аслзодалар тоифасига мансуб бўлган энг машҳур кишилар ҳам мазорга ёки масжид атрофига дафн этилар эди. Шундай қилиб, бу мақбаранинг меъмори илгаригилардан нусха кўчирмасдан, ўзига хос оригинал бино бунёд қилган.

Ислом дини ўлимни дорилфанодан дорилбақога юз тутмоқ, яъни «мусулмонлар ўлмайдилар, бир эшикдан кириб иккинчи

эшикдан чиқадилар» деб уқтиради. Умар Хайём эса бу фикрни шундай ифодалайди:

Кекса-ёш ҳаётга ҳар кимки етар —
Ҳаммаси изма-из, бирма-бир ўтар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.

Мақбаранинг ичи ҳам ана шу фикрни ифода қилади. Бино меъморлари бу ғояни бадий образлар орқали мақбаранинг архитектура шаклида ечишга интиланлар.


Сомонийлар мақбараси Урта Осиёда яратилган ва бадий жиҳатдан юксак таҳсинга сазовор бўлган Шарқдаги мусулмон мамлакатларида биринчи маҳобатли, улуғвор мақбарадир.

IX—X асрларда Урта Осиё маданий ҳаётининг барча соҳаларида янгиликлар ва ажойиб истеъдод эгалари пайдо бўлганлиги маълум. Худди шу даврда шоир Рудакийнинг ҳаётбахш лирикалари вужудга келди, тарихшунос Наршахий «Бухоро тарихи»ни яратди, атоқли олим, ҳаким Абу Али ибн Сино Бухорода ўзининг энциклопедик билимларини янада бойитди. Афсуски, биз бу улуғ зотлар қатори Сомонийлар мақбарасини бунёд қилган номаълум гениал меъморнинг номини билмаймиз. Бу мақбара маҳобатли, ҳашаматли бинолар яратишнинг янги услублари учун намуна бўлди. Унинг ибрат бўларли томонлари ўзлаштирилиб, Урта Осиёда кейинги асрларда янада ривожлантирилган.



БУХОРО. *Исмоил Сомони мақбараси.*

БУХАРА. *Мавзолей Исмоила Самани.*



*Исмоил Сомоний мақбарасининг ичи.
Жануби-ғарбий кунжик*


*Мавзолей Исмаила Самани.
Интерьер. Юго-западный парус.*


Мавзолей Исмаила Самани. Деталь.

Исмоил Сомоний мақбараси Деталь.



*Исмоил Сомоний мақбараси. Деталь.
Мавзолей Исмаила Самани Деталь.*





*Исмоил Сомоний мақбарасининг ичи.
Кунжак яруслари.*

*Мавзолей Исмоила Самани.
Интерьер. Ярус парусов.*

Осмотр архитектурных достопримечательностей Бухары следует начать, пожалуй, с самого раннего из сохранившихся здесь памятников — мавзолея Саманидов, расположенного несколько западнее Регистана. Еще в первые годы после революции в этом районе лежало запущенное внутригородское кладбище эмировской Бухары; нужно было брести через холмы и провалы могил, чтобы добраться до мавзолея, который врос почти на треть своей высоты в бугры прилежащих погребений. Около двадцати лет назад на этом месте был разбит парк культуры и отдыха, и теперь маловероятной кажется эта безнадежная картина недавнего прошлого, которую без остатка поглотили пышные кроны деревьев.

Здесь, у одной из дальних аллей, на открытой площадке, очищенной от могильных бугров, высится бережно отреставрированный мавзолей, спокойный, монолитный объем которого так естественно включается в зелень парка. Здесь утихает веселый гомон молодых, и вместе с людьми уже зрелых годов задерживаются они в долгом созерцании, захваченные смутным, торжественным чувством перед подлинной большой красотой искусства, не нуждающейся в пояснениях.

В народе, да и в научной литературе памятник фигурирует как мавзолей Исмаила

Самани — самого выдающегося представителя этой династии, правившего Бухарой с 892 по 907 год. Сведения о существовании на этом участке мазара отца Исмаила — Ахмеда, указание на местонахождение здесь же могилы самого Исмаила, наличие на доске над входом в мавзолей имени внука его Насра, наконец, обнаружение при археологических вскрытиях внутри усыпальницы нескольких могил приводят к другому заключению, что перед нами семейная усыпальница династии Саманидов, отстроенная во времена правления Исмаила на грани IX—X веков.

Квадратному плану мавзолея отвечает общая композиция здания. Она предельно проста, являя сочетание двух пространственно устойчивых объемов: куб, увенчанный полушаром. Все фасады равнозначны, ни один архитектурно не выделен как главный, что, в свою очередь, определяет центрический характер его композиции. Уравновешенность форм продолжена и в разработке фасадов, отличающейся глубоко органическим соотношением опорных и несомых частей: горизонтальная полоса цокольной кладки выделяет основание, а легкая арочная галерейка вверху — завершение фасадной плоскости; мощные трехчетвертные колонны закрепляют углы; каждый вход выделен стрельчатой нишей с тремя перспективно сокращающимися арками, которая до уровня пят очерчена прямоугольной рамой.

Та же отчетливость архитектурных членений видна и в интерьере, где над гладью стен, перебитых на осях входными арками, следует восьмигранный трюмп (угловых нишевых парусов) и чаша купола. При этом соблюдается глубоко обоснованная взаимосвязь наружных и внутренних элементов:

наружный цоколь отвечает уровню пола, импостный пояс входных арок повторен и внутри, венчающая карликовая галерейка точно соответствует ярусу парусов интерьера, и ее сквозные арочки дают достаточный доступ света через отверстия решеток, которыми забраны проемы внутренних арок.

Памятник выстроен из жженого кирпича и этот материал определяет собой не только конструктивно-технические особенности, но и его основной эстетический эффект.

Тонкоплиточный кирпич-маломерок в основных кладках стен и перекрытий, крупно-размерные кирпичные плиты в цокольной части мавзолея, фигурно отесанные кирпичные плитки в некоторых орнаментальных выкладках — все это одновременно отвечает и конструктивным и декоративным целям.

При всем удивительном разнообразии узоров формирование их неотделимо от самой строительной основы здания. Чередование кирпича, положенного горизонтально и под углом, плашмя и вертикально, диагонально и «в елочку», кирпич, тесаный так, что из него выкладываются крупные диски, четырехлепестковые розетки, сквозные фигурные решетки окон, кирпич, образующий выпуклые фигуры на заглубленном фоне кладки, выявленные глубокой теневой игрой, — подобного по виртуозности использования фактурных качеств этого материала не знал в ту пору ни один другой памятник мировой архитектуры.

Все очень естественно и гармонично в мавзолее Саманидов. А между тем исследование показывает, что в его композицию был вложен научно-эмпирический расчет и строительная система пропорционирования. Так называемый «динамический квадрат», то есть прием диагонально вписанных друг в друга

сокращающихся квадратов, определяет собой геометрическую схему построения плана и фасадов, начиная от их общих контуров, кончая любой архитектурной деталью. В интерьере построение слегка заостренных арок подкупольного восьмигранника основано на пересечении двух ветвей эллипсов, большие оси которых лежат на уровне пят, а малые — на гранях.

Так в практике бухарских зодчих находят косвенное отражение успехи восточной математики IX—X веков, подарившей миру таких выдающихся ученых, уроженцев Средней Азии, как ал-Фергани и Мухаммед ибн Муса ал-Хорезми.

Откуда же это архитектурное чудо, мавзолее Саманидов? Где его предтечи, почему в X веке нет ему ни равных, ни похожих как в самой Средней Азии, так и в других странах мусульманского мира?

Внимательный анализ показывает, что во всех своих основах памятник связан со старой, уходящей в доисламские времена практикой местного согдийского зодчества, формирование которого протекало в предшествующие эпохи в менее долговечных строительных материалах — дереве и кирпиче-сырце. Конструкция купола на троплах, мотив перспективно-арочного входа и карликовой аркатуры, тема встроенных угловых колонн и стиль колонок интерьера, фризы и архивольты, образованные разнообразно положенным кирпичом, терракотовые диски — все это можно проследить на памятниках древней согдийской архитектуры, с традициями которой органически связано бухарское монументальное зодчество эпохи Саманидов.

Но есть и другое в этом мавзолее: преодоление традиций, живое творческое нова-

торство. Его определяют прежде всего конструктивно-технические нововведения: обращение к жженому кирпичу, который до того употреблялся лишь в некоторых ответственных конструкциях или в декоративных деталях, но который впервые безраздельно применен лишь в этом памятнике. Использование фактурных качеств жженого кирпича определяет его главный декоративный эффект. Но этим отнюдь не исчерпываются особенности памятника, который своеобразен и неповторим в своем архитектурном целом. Едва ли не впервые в архитектуре мусульманского Востока появляется мавзолей как самостоятельная архитектурная тема, так как до того погребения даже видных представителей духовенства и знати свершались или просто в могилах, или, в лучшем случае, при мечетях. И вот, поставленный перед заданием, которому он не имел образцов, мастер создает оригинальный архитектурный тип.

Тема ухода из бренного земного мира в мир вечности, старая тема ислама: «Мусульмане не умирают, но лишь переходят из одних дверей в другие», грустный итог размышлений, сформулированный позднее Омаром Хайямом: «От стрел, что мечет смерть, нам не найти щита, и с нищим и с царем она равно крута» — таково внутреннее содержание мавзолейного сооружения, потребовавшее от зодчих соответствующего художественно-образного раскрытия этой идеи в архитектурных формах.

Мавзолей Саманидов дает один из первых на мусульманском Востоке, первоклассный в своем художественном претворении образ монументальной усыпальницы, разработанной именно на среднеазиатской почве.

IX—X века отмечены в различных сферах культурной жизни Средней Азии формированием новых черт и появлением ярких творческих индивидуальностей. Именно в эту пору создается жизнерадостная лирика поэта Рудаки, историк Наршахи пишет «Историю Бухары», в Бухаре обогащает свои энциклопедические познания выдающийся ученый врач Авиценна. Как жаль, что мы не можем включить в этот перечень гениального зодчего, создавшего мавзолей Саманидов, имя которого кануло в безвестность! Памятник этот являет яркую веху на пути сложения тех новых принципов монументальной архитектуры, которые были преемственно подхвачены и далее развиты на среднеазиатской почве в последующие века.

На узбекском и русском языках

Галина Анатольевна Пугаченкова

МАВЗОЛЕЙ ИСМАИЛА САМАНИ

Госиздат УзССР — 1964 — Ташкент

Редакторы *Т. Садыков, Ф. Гальчевская*

Художник *Б. Райков*

Худ. редактор *М. Гумаров*

Техн. редактор *А. Бахтияров*

Корректоры *М. Убайдуллаева-М. Вяткина.*

* * *

Разрешено в печать 8/V-1964 г. Формат 60×90¹/₁₆.
Печ. л. 0,25. Уч. изд. л. 0,51. Тираж 15000. P07748. Индекс: *спр.*
Государственное издательство Узбекской ССР, Ташкент,
ул. Навои, 30. Договор № 22—64.

* * *

Отпечатано с матриц наборной фабрики Госкомитета Совета
Министров УзССР по печати в типографии им. Морозова
г. Самарканд Типографская 4 Заказ № 4940; Цена 6 к.